

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙТОВ АКБАР ОКТАМБОЕВИЧ

**НЕОНАТАЛ СЕПСИСДА ЁНБОШ ИЧАКНИНГ МОРФОЛОГИК
ВА МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Хаитов Акбар Октамбоевич

Неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик

ва морфометрик ўзгариши..... 3

Хаитов Акбар Октамбоевич

Морфологические и морфометрические

изменения подвздошной кишке при неонатальном сепсисе..... 23

Haitov Akbar Oktamboevich

Morphological and morphometrical features

of ileum in neonatal sepsis..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЙТОВ АКБАР ОКТАМБОЕВИЧ

**НЕОНАТАЛ СЕПСИСДА ЁНБОШ ИЧАКНИНГ МОРФОЛОГИК
ВА МОРФОМЕТРИК ЎЗГАРИШИ**

14.00.15 – Патологик анатомия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ– 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib667 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исраилов Ражаббой
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нишонов Данияр Анарбаевич
тиббиёт фанлари доктори

Машарипов Азамат Сабирович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Самрақанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» октябр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2 уй. Тел./факс: (99878) 150-78-25, e-mail: ta2005@mail.ru. Тошкент тиббиёт академияси, 1-ўқув биносининг мажлислар зали).

Диссертацияси билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (789 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2 уй. Тошкент тиббиёт академияси. Тел./факс: (99878) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «14» октябр да тарқатилди.

(2021 йил «14» октябр даги 18 рақамли реестр баённомаси).



Г.И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.Ш. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б. Саидов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда неонатал сепсис муаммоси перинатал даврининг энг мураккаб ва етарлича ўрганилмаган даври ҳисобланади. Неонатал даврда бошқа ёшдаги гуруҳ болаларига нисбатан сепсис билан касалланишнинг юқорилиги турли тизимлар, биринчи навбатда иммун тизим етилмаганлигига боғлиқдир. «...неонатал сепсис ривожланишининг асосий сабабчиси онанинг инфекцион касалликлари ва плацентанинг яллиғланишга учраган ҳолати ҳисобланади. Неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг касалланиши табиий ҳол бўлиб, янги туғилган чақалоқларда у грамманфий бактериялар ва эндотоксин ушловчи бошқа моддалар учун ҳовуз, яъни резервуар бўлиб хизмат қилади...»¹. Ичак шиллиқ пардаси бутунлигининг бузилиши ундаги гемато-гистиоген тўсиқ ўтказувчанлигини ошириш, ичакдаги маҳаллий яллиғланишли-деструктив ўзгаришлар қон айланиши бузилиши, ишемия ва гипоксия ривожланиши, лизосомал гидролазалар, цитокинларнинг кўп миқдорда ажралишига ва қон айланиш тизимига микрофлораларнинг жадал тушиши, охир-оқибатда сепсис ҳолати ривожланишига олиб келади. Шу сабабли неонатал сепсисда ёнбош ичакда кечадиган патологик ўзгаришларни патоморфологик баҳолашни такомиллаштириш муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада неонатал даврида бош мия жароҳатидан вафот этган чақалоқлар ёнбош ичагининг ўзига хос морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари, патоморфологик ўзгаришларга таъсир қилувчи ички ва ташқи омилларни таъсир механизми, неонатал сепсисдан етти кун ичида нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичакнинг патоморфологик ўзгаришлари ва морфометрик белгиларни ҳамда неонатал сепсисдан етти кундан кейин нобуд бўлганларда ёнбош ичакнинг патоморфологик ўзгаришлари ва морфометрик кўрсаткичларини, ёнбош ичакда ташхисланган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида клиник-морфологик ташхислашни такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли хил шароитларда юзага келадиган сепсисни олдини олишга қаратилган кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. «...мамлакатимизда аҳолисига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш

¹ Щеголев А.И., Мишнёв О.Д., Туманова У.Н., Шувалова М.П. Неонатальный сепсис как причина перинатальной смертности в Российской Федерации //Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2016. – № 5-4. –С.589-594.

тарзини кўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда жумладан, ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг меъёрий кечишини таъминлаш билан биргаликда турли касалликлар оқибатида юзага келадиган неонатал сепсисни патоморфологик ташхислашни такомиллаштириш орқали касалликларни олдини олиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёнбош ичак иммун тизимнинг периферик аъзоси сифатида организмнинг барча инфекцион касалликларида бевосита иштирок этади. Ёнбош ичакнинг касалликлардаги иштироки натижасида бир қатор клиник-морфологик белгилар юзага чиқади. Буларнинг асосийси ичак деворида метаболик бузилишлар ривожланиши оқибатида юз беради. Натижада метеоризм, яъни, газ тўпланиши, оғриқ, дефекация пайти кучли ҳидли газ ажралиши, ич келишнинг тезлашиши, нажаснинг суюқлиги, таркибида газ, ёғ дончаларининг пайдо бўлиши. Организмнинг умумий инфекцияси ва сепсис оқибатида ёнбош ичакда ўткир ва сурункали илеит, энтеропатия, ичакнинг Гордон касаллиги, бирламчи энтропатия ривожланади. Ингичка ичакнинг шиллиқ ва шиллиқ ости қаватлари структуравий ўзгаришларини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шиллиқ ва шиллиқ ости қават периферик иммун тузилмалар йиғиладиган асосий жой ҳисобланиб, уларда дегидротация ва иммун силжишларнинг юқорилиги хосдир. Бу масалалар адабиётларда кам ёритилган (Сапин М.Р., Никитюк Д.Б. ва бошқ., 2010; Бородин Ю.И. ва бошқ., 2005, 2011). Аксарият муаллифлар (Сапин М.Р., 2010, 2011; Бородин Ю.И., 2011, 2012; Хайтов Р.М. ва бошқ., 2009; Петренко В.М., 2011; Bastlin et al., 1988; Wood, 1994; Bealtie, 1995) ингичка ичакнинг лимфоид тузилмаларини организмнинг иммун тизимига сезиларли даражада таъсир қилишини таъкидлайди. Уларнинг тадқиқотларининг аҳамияти шундаки,

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

экстремал омиллар таъсири натижасида сўнгги вақтларда диагностик эндоскопия ва биопсиянинг клиник амалиётда кенг қўлланилиши организмнинг умумий иммун ҳолатини баҳолашда ёрдам беради. Организмнинг меъда-ичак тизими орқали иммун жавоб кўрсатишда Т-лимфоцитлар алоҳида ўрин тутиб, улар малекулалараро ўзаро таъсирини микроорганизмнинг иммун система хужайралари билан ўзаро таъсирини таъминлайди (Железникова Г.Ф., 2009). Уларнинг асосий вазифалари инфекцион агентни эрта аниқлаш, фагоцитлар, Т- ва В-лимфоцитларини активловчи яллиғланишга қарши цитокинлар генини экспрессиясини таъминлашдир. Муддатидан олдин туғилган чақалоқларда липополисахаридлар стимулловчи яллиғланишга қарши цитокинлар ИЛ-1, ИЛ-8 ва ФНО- α секрецияси паст бўлади (Мосенцев Н.Н. ва бошқ., 2010). Биринчи фаза иммун система хужайралари фаоллашиши билан кечади ва тизимли яллиғланиш жавоб синдроми (ТЯЖС) кўринишида бўлиб, яллиғланиш цитокинлари (ФНО- α , ИЛ-1, ИЛ-8, С-реактив оксил, прокальцитонин синтези билан кечади. Нейтрафиллар сонининг ўсиши фонида улар юзасида CD4+ экспрессияланади. Септик шок ва оғир сепсисларда яллиғланиш медиаторларининг қон оқимида кескин кўпайиши полиорган етишмовчиликка олиб келади (Петров С.В., Райхлин Н.Т., 2004). Бунга мисол қилиб менингококцемиянинг фульминант шаклида бемор касаллик бошлангандан бир неча соат ичида вафот этади.

Ўзбекистонда турли аъзо тизимларнинг функционал ҳолатининг турли касалликлар натижасида юзага келадиган патологик ўзгаришларни баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (М.С.Абдуллаходжаева, 2000, 2010; Р.И.Исроилов, 2018; Б.А.Магруппов, 2015; Х.З.Турсунов, 2016) бироқ, неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришлар тўлиқ ўрганилмаган.

Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №005.01.1500216 «Инсон ва тажриба хайвонлар организми ҳаёт фаолияти кўрсаткичларининг ҳар хил патологик омиллар таъсиридаги функционал, метаболик ва структур ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларни коррекциялаш йўллари, ҳамда эксперт баҳолашнинг янги имкониятлари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2018–2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади чақалоқлар туғилгандан кейин эрта ва кечки неонатал даврдаги сепсиснинг ичак шаклида ёнбош ичакнинг асосий морфофункционал майдонларида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларни баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

назорат гуруҳи сифатида неонатал даврда бош мия жароҳатидан нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичагининг ўзига хос морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

неонатал сепсисдан нобуд бўлган чақалоқларнинг клиник-лаборатор маълумотларини таҳлил қилиш;

неонатал сепсисдан етти кун ичида нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичагининг патоморфологик ўзгаришлари ва морфометрик белгиларни таҳлил қилиш;

неонатал сепсисдан етти кундан кейин нобуд бўлганларда ёнбош ичакнинг патоморфологик ўзгаришлари ва морфометрик кўрсаткичларини баҳолаш;

неонатал сепсисдан етти кун ичида ва етти кундан кейин нобуд бўлган чақалоқларда ёнбош ичакнинг иммуногистокимёвий хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика патологик анатомия марказида 2015-2020 йилларда жами 74 нафар, шундан, 18 назорат гуруҳи, неонатал сепсиснинг эрта 0-7 кунлик даврида нобуд бўлган чақалоқлар (24), ундан 8 таси ичак шакли, кечки 8-28 кунларда нобуд бўлган (32), ундан 16 нафари неонатал сепсиснинг ичак шаклидан нобуд бўлган болалар олинган.

Тадқиқотнинг предметини эрта ва кечки неонатал даврдаги сепсисдан нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини таҳлил қилиш материаллари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолашда морфологик, гистокимёвий, иммуногистокимёвий, морфометрик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

назорат гуруҳи чақалоқлар ёнбош ичагининг ўғил ва қиз болалардаги узунлиги, деворининг ўртача қалинлиги, пейер пилакчалар ва микроскопик жиҳатдан лимфоид фолликулалар сони, ундаги хужайравий таркибининг бир-бирига нисбатан миқдорий кўрсаткичи аниқланган;

неонатал сепсиснинг ичак шаклида ёнбош ичак шиллик пардасида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг макро- ва микроскопик ўзгаришлари ўткир катарал-десквоматив, ўткир геморрагик-десквоматив, ўткир эрозив-некротик ҳамда ўткир некротик-яралли даври кетма-кетлиги исботланган;

неонатал сепсиснинг ичак шаклида етти кунгача нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичаги шиллик пардасида кучли дисциркулятор ўзгаришлар, қон қуйилишлар ва некроз жараёнининг устун бўлиши ёнбош ичакда некротик-деструктив энтерит ривожланганлиги исботланган;

кечки неонатал даврда етти кундан 28-кунгача нобуд бўлганлар чақалоқлар ёнбош ичагида шиллик парда атрофияси, лимфоид фолликулалар сонининг камлиги, яллиғланиш жараёнининг тарқоқ ҳолда бўлиши ўткир ҳамда сурункали некротик-яралли ўчоқлар мавжудлиги ёнбош ичакда сурункали атрофик, некротик-яралли энтерит ривожланишининг патологик ўзгаришлари асосланган;

неонатал сепсисдан эрта ва кечки даврларда нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичаги шиллик пардасидаги лимфоид фолликулалар миқдори назорат

гуруҳига нисбатан 7 ва 11% гача кўпайганлиги, уларнинг таркибидаги хужайралардан стромасини ташкил қиладиган ретикуляр хужайралар ва макрофаглар миқдорининг кескин ошганлиги, лимфоцитларидан кичик шаклдагилари кескин камайиб, йирик ва ўрта шаклдагилари 2-3 баробарга кўпайганлиги сепсисда ёнбош ичакда иммун танқислиги ривожланганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ёнбош ичак шиллиқ пардасининг меъерий морфологик ҳолатидаги, жумладан сўрғичлари, қопловчи эпителийси, бириктирувчи тўқимали хусусий пластинкаси, лимфоид тўқимаси ҳақидаги маълумотлар гистология фанидан талабаларни ўқитишда қўлланилиши тавсия қилинган;

чақалоқлар неонатал сепсисининг эрта даври 0-7 кун, кечги даври 8-28-кунда ёнбош ичак шиллиқ пардаси, хусусий пластинкаси ва лимфоид тўқимасида ривожланадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида касалликнинг патогенетик даволаш режасини ишлаб чиқишда асос бўлиб хизмат қилади;

аутопсия материали таҳлили натижаларидан фойдаланиб, чақалоқлар неонатал сепсис эрта даврида 7 кунгача ва кечги даврида 8-28-кунларда нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичагида юз берадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида сепсис жараёнида организм иммун тизими морфофункционал ҳолатини чақалоқларда проспектив баҳолашнинг патоморфологик тартиби тизимлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган морфологик, морфометрик, иммуногистокимёвий ва статистик текширув усуллари асосида неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ёнбош ичакнинг меъерий морфологик ҳолати, жумладан, ёнбош ичакнинг қон томирлар тўртининг ўзига хос тузилиши ҳақидаги ва бу аъзони гистологик ўрганиш чақалоқлар неонатал сепсисига хос морфологик ўзгаришлар томирлар деворида артериолалар, капиллярлар ва посткапилляр венулаларда, унга қўшимча ретикуляр стромаси ва лимфоцитларда ривожланадиган ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар- чақалоқлар сепсисини клиник-морфологик баҳолашда ва бу касалликнинг неонатологлар ва педиатрлар томонидан патогенетик давосини режалаштиришда фойдаланиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, аутопсия материалидан фойдаланиб чақалоқлар сепсиси касаллиги таъсирида ёнбош ичакда юз берадиган морфологик ва морфометрик ўзгаришлар асосида организм иммун тизими морфофункционал ҳолатини ҳам ретроспектив, ҳам

бу касалликка чалинган чақалоқларда проспектив усулда баҳолашга шароит яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

«Чақалоқлар неонатал сепсиси таъсирида ёнбош ичакда аниқланган морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 09 октябрдаги 8н-р/373-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома чақалоқлар орасида турли юқумли касалликларнинг салбий оқибатлари натижасида ривожланадиган неонатал сепсисни эрта ташхислаш, касалликларни самарли даволаш тизимини яратиш ва даволаш тизимини самарали ташкиллаштириш имконини берган;

Неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Хоразм вилояти патологик анатомияси бюроси, Республика патологик анатоми маркази “Оналар ва болалар патологияси бўлими”да клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 8н-д/203-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга қўлланилиши асосида неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришлари касалликни клиник морфологик ташхислаш ва касалликдан ўлим кўрсаткичини камайтириш имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва предметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ёнбош ичак онтогенези, анатомио-гистологик тузилиши, ичакка уюшган лимфоид тўқиманинг гистотопографик ва иммунофункционал хусусиятининг замонавий қарашлар»** деб номланган биринчи бобида мавзуга тегишли хорижий ва маҳаллий илмий манбалар таҳлили келтирилган. Ёнбош ичакнинг онтогенези, анатомио-гистологик тузилиши, унинг лимфоид тўқимаси, неонатал сепсиснинг ривожланиши, ўзига хос хусусиятлари муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий муаллифлар илмий иш нашрларининг таҳлилий натижалари келтирилган. Ушбу патологиянинг ривожланиши, патогенези, морфогенетик механизмлари таҳлил қилиниб, илмий ва амалий аҳамияти баён этилган. Мазкур муаммо бўйича охириги йилларда чоп этилган илмий мақолалар асосида неонатал сепсисда ёнбош ичакда ривожланадиган морфологик ўзгаришлар ёритилган. Сепсисда организмда юз берадиган клиник ўзгаришларни башоратлаш учун иммунологик текширувлар ўтказиш зарурлиги кўрсатилган. Кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ўзгаришлари ҳақидаги маълумотларнинг ҳозирги кундаги ҳолати, мазкур муаммони ҳал этиш бўйича илмий ишланишларни давом эттириш заруратини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг **«Неонатал сепсисда ёнбош ичакнинг морфологик ва морфометрик ўзгаришларни баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида материал ва тадқиқот усуллариининг баёнига бағишланган. Тажриба материалларнинг умумий таърифи берилган бўлиб, тадқиқотларда фойдаланилган усуллар баён этилган. Тадқиқот объекти сифатида жами 74 нафар, шундан 18 назорат гуруҳи, неонатал сепсиснинг эрта 0-7 кунлик даврида ўлган чақалоқлар (24), ундан 8 таси ичак формаси, кечги 8-28 кунларда нобуд бўлганлар (32), ундан 16 таси сепсиснинг ичак формаси билан касалланганлар ёнбош ичаги олинди.

Ҳар бир ҳолатда амбулатор харитаси, касаллик тарихи ва аутопсия баённомаси ҳар томонлама ўрганилди. Касаллик тарихидан паспортга таалуқли маълумотлар, яъни яшаш жойи, отасининг ва онасининг исми шарифи, ёши, касби, боланинг нечанчи ҳомиладорликдан туғилгани, туғилган вақтидаги барча маълумотлар кўчириб олинди. Амбулатор харитасидан касалхонага тушишдан олдин қандай касалликлар билан оғриганлиги, даво олганганлиги каби маълумотлар олинди. Касаллик тарихи маълумотлари асосида ва аутопсия текшируви натижалари асосида сепсиснинг ичак формасига хос белгилар ўрганилди.

Ҳар хил касалликлардан нобуд бўлган чақалоқлар мурдасини патологик анатомия амалиётида аутопсия қилиб текширишда организмнинг анатомио-физиологик хусусиятларини ҳисобга олинди ва асосан аутопсиянинг Г.В. Шор усулларида фойдаланилди. Маълумки Г.В. Шор усули бўйича барча ички аъзолар бир бутун қилиб, тўлиқ эвисцерация усулида ажратиб олинади.

Ёнбош ичакнинг ичи очилиб, шиллиқ парда юзаси ювилиб, узунлиги ўлчанди ва шиллиқ парда юзасидаги пейер пиллакчалар саналди. Ёнбош

ичакнинг бош, ўрта ва охири дистал қисмидан 20см дан бўлақлар кесиб олиниб, юпқа қоғоз юзасига ёпиштирилди, қоғоз ва ичак биргаликда ғалтак қилиб ўралади, бели боғланиб, 10% нейтралланган формалинга солинди. 72 соат қотирилгандан кейин оқар сувда ювилиб, концентрацияси ошиб борувчи спиртларда ва хлороформда сувсизлантирилди. Кейин мум қўшилган парафин қуйилиб, ғишчалар тайёрланди. Ғишчалардан қалинлиги 5 мкмлик гистологик кесмалар олиниб, гематоксилин-эозин, Ван-Гизон ва ШИК реакцияси бўёғида бўялди. Лейка фирмаси микроскопи остида 10, 20, 40 объективларда ўрганилиб, керакли жойлари тасвирга олинди. Ичак лимфоид тўқимасининг миқдорий кўрсаткичларини аниқлаш мақсадида йўғон ичак девори тўлиқ ҳолда ғалтак қилиб ўралган парафинли блоклардан ҳар биридан 10 тадан кесмалар тайёрланиб, лимфоид фолликулалар сони саналди ва ичак деворининг бир чизиги йўналишида жойлашганларининг ўртача миқдори аниқланди. Лимфоид фолликулалар таркибидаги ретикуляр хужайра, бласт хужайралар, йирик, ўрта ва кичик лимфоцитлар, ҳамда парчаланиб дегенерацияга учраган хужайралар ва макрофаглар саналиб нисбий фоизи ҳисобланди. Миқдорий кўрсаткичларга статистика усулида ишлов бериб, ўртача арифметик миқдори, ўртача квадрат хатолиги ва ишончлилиқ кўрсаткичи топилди. Гистологик препаратларда, 20та кўриш майдонида окуляр микрометр ёрдамида ичак девори қатламлари ўлчанди. Ҳар бирининг ўртача арифметик кўрсаткичи (М), хатолиги (m) ва ишончлилиқ даражаси (Р) ҳисобланди. Миқдорий кўрсаткичларга статистик ишлов берилди.


Ишда қўлланилган гистологик ва гистокимёвий усуллар: Гематоксилин ва эозин бўёғида морфологик усулда текширилди. Натижа: хужайралар ядролари кўкиш-сиёҳ рангга, цитоплазма –тўқ бинафша рангга бўялади.

ШИК реакция усули: Натижа: Гликоген тўқ қизил, тарқоқ донадор кўринишида бўялади. Мукопротеин, цереброзидлар пушти рангга бўялади.

Ван-Гизон усули: Натижа хужайралар ядроси қора рангли, коллаген қизил, бошқа тузилмалар сариқ, фибрин сариқ рангга бўялади.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Назорат гуруҳи чақалоқлар ёнбош ичагининг патоморфологик ўзгаришлар**» деб номланган учинчи бобида ёнбош ичакда ривожланадиган структур ўзгаришлар келтирилган. Ёнбош ичак шиллик пардаси микроскопик жиҳатдан ўрганилганда аниқландики, юзасида бир қаватли, айрим жойларида кўп қаторли цилиндрсимон эпителий билан қопланган, уларнинг юзасида кўп сонли майда-майда микросўрғичлари борлиги (1-расмга қаранг), асосида эса эозин билан тўқ бўялган битта чизик кўринишида жойлашган гликокаликс мавжудлиги аниқланди.



1-расм. Бош мия жароҳатидан ўлган чақалоқ ёнбош ичаги, лимфoid фолликуласи шиллик ости ва хусусий пластинка қаватларини эгаллаган, юзаси бир қаватли эпителий билан қопланган. Бўёқ: Г-Э. X: 10x10.

Лекин бу чизик қадоҳсимон хужайралар юзасида узилган, ичак бўшлиғи қадоҳсимон хужайра цитоплазмаси билан очик ҳолда туташган. Цилиндрсимон қопловчи эпителийлар цитоплазмаси, унда майда-майда ҳам вакуолалар, ҳам эозинофилли доначалар мавжудлигидан донатор кўринишда бўялган. Бу хужайралар ядролари асосан хужайраларнинг базал қисмида жойлашган, лекин айримларининг ядролари хужайраларнинг ўрта қисмига сурилиб жойлашган. Ядролар кариоплазмаси асосан гиперхромли, лекин ораларида нисбатан гематоксилин билан оч бўялган ядролар ҳам учрайди. Қопловчи эпителий қатори орасида майда, шакли думалоқ, ядроси гематоксилин билан тўқ бўялган лимфоцитлар, лимфо-эпителиал симбиоз пайдо қилиб жойлашганлиги кузатилади. Қопловчи эпителий қатори остидаги базал мембрана ва бириктирувчи тўқимали хусусий пластинканинг оралик моддаси эозин билан нисбатан оч, яъни базофилроқ бўялганлиги аниқланади. Хусусий пластинкада ҳар хил даражада дифференциалланган гистиоцитар ва лимфoid хужайралар мавжудлиги топилади. Лимфoid хужайраларнинг ядролари асосан думалоқ шаклда ва гематоксилин билан тўқ бўялган, айримлари базал мембрана орқали миграция ҳолатидалиги кузатилади. Бу қаватнинг капиллярлари девори юпқа, яъни фақат эндотелий хужайралардан ва базал мембранадан ташкил топган. Айрим томирлар атрофида цитоплазмаси эозинофилли семиз хужайралар мавжудлиги аниқланади. Ёнбош ичак шиллик парадасида секретор иммуноглобулин А ишлаб чиқарилади ва дастлабки иммун жавобни амалга оширади. Уларнинг умумий сони биз анатомик жиҳатдан ўрганган чақалоқлар ёнбош ичагида ўртача $9,4 \pm 0,8$ тани ташкил қилди ва улар ичак туткичи жойлашган соҳага қарама-қарши томонда жойлашганлиги аниқланди. Улар анатомик жиҳатдан ясси чўзинчоқ ичак бўйлаб жойлашган пиллакчалар кўринишида аниқланди. Гистологик жиҳатдан ўрганилганда уларнинг ҳар бирида ками 3та, кўпи 24тагача лимфoid фолликулалар саналди. Микроскопик текширув натижалари шуни кўрсатдики, ёнбош ичак шиллик ости қаватидаги лимфoid фолликулалар айрим жойларида якка-якка ҳолда, бошқа жойларида тўпламлар пайдо қилиб жойлашган. Ёнбош ичак девори қатламларидаги

бириктирувчи тўқима тузилмаларининг ўзига хослигини ўрганиш учун, уни махсус бўёқда бўйлаш учун ван-Гизон усули қўлланилганда, шу нарса маълум бўлдики, шиллик ости қаватидаги бириктирувчи тўқима коллаген толаларига бойлиги ва улар ўзига хос тутамлар пайдо қилиб жойлашганлиги кузатилди. Бу бўёқда лимфоид фолликула хужайралари тўқ жигар ранга, силлик мушак хужайралари сариқ ранга бўйланганлиги аниқланди.

Морфометрик текширувлар натижалари кўрсатишича, бош мия жароҳатидан ўлган, ичакга таъсир кўрсатадиган бирорта инфекция аниқланмаган чақалоқлар ёнбош ичаги анатомик жиҳатдан ўлчанганда, унинг узунлиги ўғил болаларда ўртача $118,6 \pm 12,5$ см, қиз болаларда $104,3 \pm 8,5$ см бўлиб чиқди. Ичак очилиб, шиллик парда юзаси ювилиб, ундаги пейер пиллакчалари саналди ва ўртача $9,4 \pm 0,8$ талиги аниқланди. Ёнбош ичак деворининг қатламлари ва структур бирликларининг ўлчамлари, ундан тайёрланган гистологик препаратларда окуляр микрометр ёрдамида ўлчанди. Ичак деворининг тўлиқ қалинлиги ўртача 26385 ± 342 мкмлиги, ундан шиллик пардаси 14138 ± 214 мкмни ташкил қилди. Шиллик парда юзасидаги сўрғичлардан жами 20 таси ўлчаниб, ўртача кўрсаткичи ҳисобланди ва у 9214 ± 108 мкмни ташкил қилди. Крипталар чуқурлиги сўрғичлар узунлигидан сал кам 9 баробар калталиги аниқланди. Шу жумладан, шиллик ости қавати ҳам яхши такомил топмаганлиги, ҳар хил қалинликдагилиги кузатилди ва ўртача қалинлиги 516 ± 21 мкм бўлиб чиқди. Мушак қавати ундан икки баробар қалин, сероз пардаси энг юпқа қаватлиги аниқланди. Ёнбош ичак морфофункционал ҳолатини кўрсатадиган коэффициент, яъни сўрғичлар узунлигининг крипталар чуқурлигига нисбат коэффициенти 4,9 ни ташкил қилди.

Бош мия жароҳатидан нобуд бўлган чақалоқлар ёнбош ичагининг ўртача узунлиги, ўғил болаларда $118,6 \pm 12,5$ см, қиз болаларда калтароқ - $104,3 \pm 8,5$ см.лиги, пейер пиллакчалар сони ўртача $9,4 \pm 0,8$ талиги аниқланди. Ёнбош ичак шиллик пардаси қопловчи эпителийси бир қаватли, баъзи жойларида кўп қаторли эканлиги, уларнинг ядролари асосан хужайранинг базал қисмида, лекин айримлариники ўрта соҳасидалиги, кам бўлсада қадоҳсимон хужайралар борлиги, хусусий пластинкаси ҳар хил даражада дифференциаллашган гистиоген ва лимфоид хужайраларга бойлиги аниқланди. Ёнбош ичак шиллик ости қаватда пейер пиллакчалар сонининг нисбатан камлиги, улардаги лимфоид фолликулалар шиллик ости қават ва хусусий пластинкани тўлиқ эгаллаганлиги, таркибидаги ретикуляр ва лимфоцитар хужайралари сийрак жойлашганлиги аниқланди. Ёнбош ичак деворининг қалинлиги ўртача 26385 ± 342 мкмни ташкил қилган бўлса, унинг деярлик ярми шиллик пардага, ундаги сўрғич ва крипталарга тўғри келса, шиллик ости, мушак ва сероз пардаси қолган қисмини ташкил қилади.

Хулосада шуни кўрсатиш мумкинки, яъни чақалоқлар неонатал даврида ёнбош ичаги узунлиги ўртача, ўғил болаларда $118,6 \pm 12,5$ см, қиз болаларда калтароқ - $104,3 \pm 8,5$ см. лиги, деворининг қалинлиги – $264,5 \pm 23,6$ мм пейер пиллакчалар сони ўртача $9,4 \pm 0,8$ талиги, лимфоид фолликулалар сони $24,7 \pm 4,2$, ундаги ретикуляр хужайралар $-3,1 \pm 0,2$, макрофаглар - $0,9 \pm 0,2$, бласт хужайралар $-1,2 \pm 0,3$, йирик лимфоцитлар $-2,2 \pm 0,5$, ўрта лимфоцитлар -

6,6±0,7, кичик лимфоцитлар -84,2±6,6, дегенератив хужайралар - 1,8±0,4 талиги аниқланди. Назорат гуруҳи чақалоқлар ёнбош ичагининг ўғил ва қиз болалардаги узунлиги, деворининг ўртача қалинлиги, пейер пиллакчалар ва микроскопик жиҳатдан лимфоид фолликулалар сони, ундаги хужайравий таркибининг бир-бирига нисбатан миқдорий кўрсаткичи аниқланди.


Морфологик текширув натижалари шуни кўрсатдики, болалар ёнбош ичаги шиллиқ пардаси 7-12 ойлик даврида ҳар томонлама тўлиқ такомил топганлиги кузатилди. Шиллиқ парда қопловчи эпителийси қадахсимон хужайраларга бой бўлган бир қаватли цилиндрик эпителийдан ташкил топган, у либеркюн безлар оғзига келиб бўйин эпителийси кўринишида давом этиб, без найларини ташкил қилади. Бу даврда безлар сезиларли даражада чуқурлашган, вертикал ҳолда жойлашган алоҳида-алоҳида найчалардан иборат, уларнинг тубида без ячейкалари пайдо бўлганлиги аниқланади.

Диссертациянинг «**Неонатал сепсиснинг ичак формасида ёнбош ичакда ривожланадиган патоморфологик ўзгаришлар ва морфометрик ҳисоблашлар таҳлили**» деб номланган тўртинчи бобида ёнбош ичакда ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг таҳлили келтирилган. Морфологик жиҳатдан ёнбош ичак шиллиқ пардасида қон қуйилишлар, эрозия, некрозланишлар ва ўткир яралар пайдо бўлади. Биз ўз материалimizни таҳлил қилиш натижасида энтеритнинг қуйидаги морфологик даврларини ажратдик: ўткир катарал-десквоматив; ўткир геморагик-десквоматив; ўткир эрозив-некротик; ўткир некротик-яралли даври. Ўткир катарал-десквоматив даврида ёнбош ичак шиллиқ пардаси кескин шишган, қалинлашган ҳолатдалиги кузатилди. Бунда шиллиқ парданинг хусусий пластинкасида ва шиллиқ ости қаватда жойлашган қон томирлар кескин кенгайган ва тўлақонли. Хусусий пластинка таркибида ҳар хил катталикдаги вакуоллашган ўчоқлар пайдо бўлиши ҳисобига ундаги тўқима тузилмалари титилиб, деструкцияга учраганлиги аниқланди.


Натижада без криптлари ўз гистотопографиясини бузиб, деструкцияланиб, фрагментларга ажраган ҳолатдалиги тасдиқланди. Без криптлари гистологик жиҳатдан ҳар хил даражада бўялган, айримлари интенсив тўқ бўялган бўлса, бошқалари миксаматозга учраганлиги сабабли оч бўялганлиги кузатилди. Шиллиқ парда сўрғичлари ҳар хил узунликда ва қалинликдалиги аниқланди, уларнинг юзасидаги қопловчи эпителий шишган ва бўкган кўринишда, айримлари десквомацияланиб кўчиб тушган ҳолатдалиги аниқланди.

Чақалоқлар неонатал сепсиси оқибатида ёнбош ичакдаги катарал-десквоматив ўзгаришлар даврида шиллиқ парда сўрғичлари кескин шишиб, катталашган, айримлари бутунлигича кўчиб тушган, натижада дистрофик-некротик ўзгаришларга учраганлиги аниқланади (2-расмга қаранг). Дистрофик ва деструктив ўзгаришлар оқибатида ёнбош ичак шиллиқ парда ости қаватидаги бириктирувчи тўқимаси ҳам кучли шишга ва титилишга учраганлиги ва коллаген толаларининг нисбатан очроқ бўялиши кузатилди. Бу даврда ингичка ичак девори шиллиқ ости ва мушак қаватлари ҳам

патоморфологик ўзгаришларга учраганлиги кузатилади. Бу қаватлардаги қон томирлар ҳам кескин кенгайганлиги ва тўлақонликга учраганлиги аниқланади. Оралиқ тўқимаси шишга учраганлигидан силлиқ мушак тутамлари титилганлиги, деформацияланганлиги ва гистологик жиҳатдан ҳар хил даражада бўялганлиги тасдиқланади. Ичак энтероцитларидаги углеродли моддаларни гистокимёвий текширилганда аниқландики, ШИК мусбат модда энтероцитларда бетартиб жойлашгани, яъни бирида кўпроқ бўлса, бошқасида камроқ, айримларида эса батомом йўқ.




2-расм. Ёнбош ичак шиллиқ пардаси катарал-дескватив ўзгаришга учраган. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x40.




3-расм. Шиллиқ парда сўрғичлари десквомацияси, мушак қаватининг шишга учраши ва титилиши. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x10

Ёнбош ичак шиллиқ пардасидаги патоморфологик ўзгаришларнинг иккинчи геморрагик-дескватив жараёнлар даврида ҳам шиллиқ, ҳам шиллиқ ости қаватларда қон томирларнинг тўлақонлиги ва геморрагик ўзгаришлар устун туриши кузатилади. Бунда, шиллиқ парда сўрғичлари хусусий пластинкасидаги қон томирлар кескин кенгайганлиги, қон билан тўлганлиги, атрофига диапедез қон қуйилганлиги аниқланади. Бу даврнинг ўзига хослиги шундан иборатки, шиллиқ парда сўрғичлари юзасидаги ва крипталар таркибидаги эпителий ҳужайралари деярлик тўлиқ десквомацияланиб, кўчиб тушганлиги тасдиқланади (2- ва 3-расмларга қаранг). Бу даврда ичак девори шиллиқ ости қаватдаги лимфоид фолликулалар таркибидаги посткапилляр венулалар ҳам кенгайганлиги ва тўлақонлилиги кузатилади. Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда шиллиқ парда сўрғичлари юзасида қопловчи эпителийси батомом йўқлиги, хусусий пластинка таркибидаги бириктирувчи тўқима ҳужайра ва толали тузилмалари ҳам тўлиқ деструкцияланганлиги кузатилади. Хусусий пластинка таркибидаги қон томирлар кескин кенгайганлиги, қон билан тўлганлиги, атрофига диапедез ва рексисли қон қуйилганлиги аниқланади (4-расмга қаранг).

Септик энтеритнинг бу даврида ёнбош ичак шиллик пардасида ҳам худди юқоридагига ўхшаш патоморфологик ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланади. Бунда ҳам шиллик парда сўрғичлари, юзасидаги қопловчи эпителий тўлиқ десквамацияланиб кўчиб тушганлиги, қон томирларининг тўлақонлилиги, интерстицийсининг кескин шишга учраганлиги, хужайрали ва толали тузилмалари деструкцияланганлиги аниқланади. Шиллик ости қаватидаги лимфоид фолликуласи қон томирларнинг тўлақонлиги ва оралик тўқиманинг шишганлиги ҳисобига титилганлиги, таркибидаги лимфоид хужайраларнинг сийраклашганлиги кузатилади




4-расм. Ингичка ичак шиллик парда сўрғичлари юзасида эпителий тўлиқ десквамацияланган, қон томирлари тўлақонли. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x40.




5-расм. Шиллик парда сўрғичлари юзаси эпителийсиз, қон томирлари тўлақонли ва атрофига қон қуйилган. Бўёқ: Г-Э. Х: 10x40.

Септик энтеритнинг эрозив-некротик даврида ёнбош ичак девори шиллик пардасида тарқоқ ҳолдаги эрозиялар мавжудлиги уларнинг тубини ташкил қилган шиллик ости қават тўқимасида некробиотик ўзгаришлар ривожланганлиги аниқланди. Бунда ёнбош ичак девори деформацияланиб, бурмаланганлиги, ҳар хил чуқурликдаги инвагинатлар пайдо бўлганлиги кузатилди. Шиллик парда юзасида сўрғичлар деярлик йўқлиги, уларнинг ўрнида кенг тарқалган эрозия ўчоқлари мавжудлиги аниқланди. Фақат эрозия ўчоқлари шиллик парда сўрғичлари хусусий пластинкаси ҳар хил катталиқдаги бўртмалар кўринишида мавжудлигидан алоҳида-алоҳида чуқур эрозия ўчоқларига бўлинганлиги кузатилди. Нисбатан йирик эрозия ўчоқларида ва инвагинатлар чуқурчаларида некробиоз ва некрозга учраган тўқима детритлари жойлашганлиги аниқланди. Ёнбош ичак девори шиллик ости қавати тўқималари ҳам кучли дистрофия ва деструкцияли ўзгаришларга учраганлиги аниқланди. Яъни, ундаги толали тузилмалар титилиб, фрагментацияланганлиги ва айрим жойларида гомогенлашиб фибриноид некрозга учраганлиги аниқланди. Шиллик ости қаватнинг айрим жойларида яллиғланиш инфилтрати пайдо бўлганлиги тасдиқланди. Бунда, яллиғланиш инфилтрати таркибидаги лейкоцитлар, макрофаглар оралик тўқимада алоҳида тўплалар ва бириктирувчи тўқима таркибида тарқоқ ҳолда инфилтрацияланган ўчоқлар пайдо қилганлиги топилади. Микроскопнинг

